# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 30 март, № 61 (7291) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ, ҲУДУДЛАРНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 март куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида барча соҳани ривожлантириш бўйича кенг кўламли вазифаларни белгилаб берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Янги уй-жойлар, саноат корхоналари, ижтимоий объектлар бунёд этилди. Маҳаллийлаштириш даражаси ва экспорт ҳажми ошди. Транспорт ҳамда сервис инфратузилмаси ривожланиб, сайёҳлар оқими кўпайди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган имкониятлар ишга солинди.

Президентимиз вилоятга бу галги ташрифини Абдухолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошлади.

Абдухолиқ Ғиждувоний 1103 йили Ғиждувон шаҳрида таваллуд топган. Аллома ислом оламида машҳур тасаввуф намояндаси Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган. Бухоро заминидан етишиб чиққан “Етти пир”нинг биринчиси ҳисобланган аллома мангу ором топган маскан бугунги кунда табаррук зиёратгоҳга айлантирилган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 16 февраль куни вилоятга ташрифи чоғида Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол меъморий мажмуаларини ўз ичига олган “Етти пир” зиёратгоҳини замон талаблари даражасида реконструкция қилиш ва уларни боғловчи янги сайёҳлик йўналиши ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шунга мувофиқ, “Етти пир” зиёратгоҳларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Абдухолиқ Ғиждувоний мажмуасида янги масжид ва ёзги айвон, хазира ёдгорлиги ва зиёратгоҳ қошида меҳмонхона қурилмоқда, мажмуа атрофи ободонлаштирилмоқда.

Абдухолиқ Ғиждувоний мақбараси зиёрат этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Президентимиз мақбарада амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Бу ерга имом-хатибларни жалб этиб, уларга алломаларимиз маънавий меросини чуқур ўргатиш, халқимизга етказиш бўйича топшириқлар берди.

Китобда ўқиш бошқа, зиёрат қилиб, юракдан ўтказиб ўрганиш бошқа. Бу жой маърифат маркази бўлиши, одамлар ўзига илм олиб кетиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда “Етти пир” зиёратгоҳларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди. Мазкур мақбаралардаги бунёдкорлик ишлари улуғ алломаларимиз меросини жаҳонга кенг тарғиб этиш ва бу ерга келувчилар учун барча қулайлик яратиш мақсадида ягона концепция асосида олиб борилмоқда. Барча зиёратгоҳ атрофи ўралиб, таҳоратхона, масжид, музей, меҳмонхона, чойхона, автомобиллар тўхташ жойлари, эсдалик буюмлар ва китоб савдо расталари барпо этилмоқда, ҳудуди тўлиқ ободонлаштирилмоқда.

Энг муҳими, Президентимиз ғояси асосида “Етти пир” мажмуаларини зиёрат қилиш битта йўналишдан бошланади. Яъни вилоятга ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспортида келган сайёҳлар зиёратни Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуасидан бошлайди.

Давлатимиз раҳбари бу масканларни обод қилиш билан бирга, “Етти пир” ҳақида китоб яратиш, уларнинг илмий меросини тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади.

Бундай маънавий хазина бошқа ҳеч қаерда йўқ. Бу хазинани мукаммал ўрганиш, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз ёшларимиз ўзимизнинг алломаларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин, деди Президентимиз.

Мамлакатимизда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар мақбараларини обод қилишга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда тан олинмоқда. Хусусан, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ISESCO томонидан Бухоро шаҳри 2020 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди.

Президентимиз бу санага юксак даражада тайёргарлик кўриш, унинг доирасидаги тадбирларни Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги билан ҳамоҳанг нишонлаш, халқаро илмий конференция ўтказиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз 2017 йили Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Ғиждувон туманидаги собиқ ип-йигирув фабрикасининг бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш, “Ғиждувон” эркин иқтисодий зонасини ушбу ҳудудда жойлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берган эди.

“Парвоз Ҳумо Равнақ Транс” масъулияти чекланган жамияти томонидан собиқ фабриканинг 9 гектардан зиёд майдонида қисқа муддатда йирик лойиҳа — ип-йигирув корхонаси ташкил этилди.

Умумий қиймати 27 миллион АҚШ доллари бўлган фабрика учун “Ипотека-банк” филиалидан ажратилган кредит эвазига Германия, Туркия, Швейцария, Япония ва Ҳиндистондан замонавий ускуналар харид қилинди. Масъулияти чекланган жамият ўз маблағи ҳисобидан бино ва иншоотларни қайта қуриб, реконструкция қилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ип-йигирув ва тўқув корхонасини бориб кўрди.

Жорий йил январда ишга туширилган корхона йилига 9400 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, 5 миллион долларлик экспорт қилиш қувватига эга. Халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ички бозорга ва хорижий буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Қарийб 33 миллиард сўмлик калава ип сотилиб, 1,1 миллион долларлик маҳсулот Россия, Туркия, Польша ва Молдовага экспорт қилинди. Айни пайтда корхона Туркияда савдо уйи ташкил этиб, маҳсулот экспорти бўйича хорижий шериклар билан музокаралар олиб бормоқда.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, иккинчи босқичда ишлаб чиқариш қуввати янада кенгайтирилиши, экспорт йилига 51 миллион долларга, иш ўринлари 1 минг 250 тага етказилиши режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев корхонада ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Яқинда АҚШ Ўзбекистон пахтасини сотиб олишга тақиқни бекор қилганини, бу мамлакатимиз пахта етиштирувчиларининг Америка бозорига тўлақонли киришига, хорижий нуфузли компаниялар билан бизнес алоқаларни кенгайтиришига йўл очиб берганини таъкидлади.

Эндиги навбат — пахтамизни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар экспортини янада ошириш чораларини кўришимиз зарур, деди Президентимиз.

Шу ерда Бухоро вилоятининг саноат салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Вилоятда 2019-2020 йилларда саноат соҳасида амалга ошириладиган йирик лойиҳалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши паст туманлар салоҳиятини ошириш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж, қурилиш материаллари, тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юртимизнинг Хитой, Индонезия ва Исроилдаги элчихоналари билан инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, инфратузилмани ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Уларга мувофиқ, вилоятда пахта, мева-сабзавот, тери, жун ва кимё маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, саноат салоҳиятини 3 баробар ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Вобкент туманида 136 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туманда ўтган йили бир қатор кичик бизнес субъектлари иш бошлади. “Ekvatorial chodak group” корхонаси — шулардан бири.

Корхонани ташкил этишда Миллий банкнинг 3 миллион доллар кредити ҳамда лойиҳа ташаббускорларининг 2 миллион доллар маблағи сарфланди.

Корхонага Япония, Италия, Туркия ва Хитойдан турли операцияларни бажара оладиган ва ишни конвейер асосида ташкил этиш имконини берадиган 500 дан зиёд замонавий тикув машинаси ҳамда дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилган. Йилига 1 миллион 500 минг донагача жинси шим ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Айни кунда корхонада 500 нафарга яқин хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Ошхона фаолияти ва олисдан қатнаб ишловчилар учун транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи кўп омилларга, жумладан, барча технологик жараён корхонанинг ўзида бажарилишига ҳам боғлиқ. Корхонада кийим-кечакни бўяш ва қайта ишлов бериш цехи ташкил этилган. Қолаверса, цехда вилоятдаги турдош корхоналарга шартнома асосида уларнинг маҳсулотларини бўяш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳисобига қўшимча фойда олинади. Яқинда иш бошлаган пойабзал цехи Италиянинг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Йилига бозорга 600 минг жуфт маҳсулот етказиб беради. Лойиҳа қуввати тўла ўзлаштирилгач, ишчи-мутахассислар сони қарийб мингтага етади.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш жараёнини, маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди, ишчилар билан мулоқот қилди. Иқтисодий соҳадаги барча чора-тадбирлардан мақсад халқимизни рози қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш эканини таъкидлади.

Шу ерда келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Бухоро туманидаги “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ, вилоятнинг бешта туманида “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган. Уларда гидропоник иссиқхоналар барпо этиш орқали экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мўлжалланган.

Эркин иқтисодий зона учун 3 минг гектар ер ажратилган. Жорий йилда 598 гектар ерда 98 та лойиҳа амалга оширилади. Улар доирасида энергия тежамкор иссиқхоналар ташкил этилиб, маҳсулотларни сақлаш ва қадоқлаш учун экологик тоза қутилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, 4 минг 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилади. Қўшни давлатларга 64 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Шу ернинг ўзида “Agro Trade” мева-сабзавотчилик кластерини ташкил этиш, “Бухоро Варнет” хорижий корхонаси, “Banoaz Textil”, “Rus Trade” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан иссиқхона барпо этиш лойиҳалари тақдимотлари ҳам ўтказилди. Хусусан, “Бухоро Варнет” хорижий корхонаси томонидан 115 гектар майдонда замонавий иссиқхона қуриш режалаштирилган. Бир гектар ерда 300 тоннадан 560 тоннагача помидор етиштирилади, 2 мингга яқин иш ўринлари яратилади. Жорий йилда 30 гектарлик иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган. Бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Туркиядан ускуналар келтирилмоқда. Корхона 2019 — 2021 йилларда босқичма-босқич ишга туширилади.

Тадбиркорлар — Ўзбекистоннинг таянчи. Ҳаракат қилган барака топади. Тадбиркорлик ривожланса, кўплаб одам ишли бўлади, даромад олади, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятида ўзлаштирилмаган ерлар кўплиги, хориж тажрибаси ва технологияси асосида улардан фойдаланиб, бозорбоп маҳсулотлар етиштиришни йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади. Мутасаддилар ва хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашиб, зарур кўрсатма ва тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Ромитан туманидаги “BCT Cluster” хорижий корхонаси фаолияти билан танишди.

Қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш борасидаги ишлар доирасида мазкур корхона учун 8 минг гектар ер ажратилган эди. 3 мингдан зиёд кишилар иш билан таъминланиб, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Биргина 2018 йилда 20 минг тоннадан зиёд хом ашё етиштирилиб, уни қайта ишлаш натижасида 61,5 миллион долларлик даромад олинди.

Эътиборлиси, корхонага дастлаб қарийб 75 миллион доллар инвестиция йўналтирилган эди. Яъни сарфланган маблағ бир йилдаёқ ўзини деярли оқлади.

Яна бир жиҳати: шунча пахта тола сифатида сотилганда 11,5 миллион доллар бўларди. Қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотилганда 50 миллион ёки 6 баробар кўп қўшимча қиймат яратилган.

Мана, кластер қандай бўлиши керак. Тадбиркорда манфаатдорлик туйғуси, янгича дунёқараш бўлса, албатта, натижага эришади. Иқтисодиёт ишласа, ижтимоий соҳаларниям “тортади”. Кластер элга манфаат келтиради, одамларни иш билан, даромад билан таъминлайди. Энг катта мақсадимиз ҳам шу, деди Шавкат Мирзиёев.

Умуман, кластер пахта хом ашёси етиштириш, уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотларгача бўлган 8 та лойиҳани ўз ичига олади. Калава ип ва мато ишлаб чиқариш, уларни бўяш, тайёр кийим тикиш фабрикалари қурилиши давом этмоқда. Шунингдек, ёғ-мой заводи, чорвачилик комплекси ва озуқа ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Шу ерда Бухоро вилоятида пиллачилик, қоракўлчилик, балиқчилик ва томорқачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, замонавий узумчилик, лимончилик кластерлари ташкил этиш, суғориш тармоқларини реконструкция қилиш, фермер хўжаликларини ёқилғи ва минерал ўғитлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид ишлар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, Қоровулбозор туманида аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишнинг намунали тизимини яратиш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди. “Қоровулбозор томорқа хизмати” МЧЖ томонидан лойиҳа доирасида 3 мингдан ортиқ хонадонларда мевали боғ ташкил этиш, ихчам иссиқхоналар қуриш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2 минг 500 дан ортиқ хонадонларга қуён, парранда, наслли қорамол етказиб берилади.

Давлатимиз раҳбари томорқадан самарали фойдаланишга оид режаларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолига амалий кўмак бериш зарурлигини, бу озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўллиги ва арзонлиги, бозорларда нарх-наво барқарор бўлишида муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## Эътироф

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи:

# ЎЗАРО ИШОНЧ, САМИМИЙ МУЛОҚОТ ВА ЮКСАК НАТИЖА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи сиёсий доиралар, нуфузли халқаро экспертлар, етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан икки томонлама муносабатларда улкан тарихий воқеа сифатида баҳоланди.*

*Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Абу-Даби шаҳрида мазкур Амирлик валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони ўринбосари шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан, Дубай шаҳрида БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ва бошқа расмий шахслар билан учрашувлар ўтказди.*

*Мулоқотлар чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги амалий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди ҳамда ўзаро манфаатли ҳужжатлар ва умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд инвестиция келишувлари имзоланди.*

*Мазкур ташрифнинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон ҳамда БАА сиёсатчилари, ишбилармонлари, экспертлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.*

4-саҳифага қаранг.

## Парламент назорати

# Ҳўжакўрсин тадбирлардан кимга наф?

*Ахборот оқими тезлашган ҳозирги пайтда фарзандларимизни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш, уларда яхши-ёмонни фарқлай олиш кўникмасини шакллантириш осон эмаслиги ўз-ўзидан тушунарли. Аммо “қийин экан” деб бир четкада қўл қовуштириб, томошабин бўлиб ўтириш ҳам ярамайди. Зеро, бугунги ёшлар юртимизнинг эртанги кунини белгилайди. Таъбир жоиз бўлса, улар бизнинг ҳаёт-мамотимиздир...*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг Халқ таълими вазирлиги тизимида ижро этилиши юзасидан ўтказилган ўрганиш натижаларига бағишланган мажлисда ана шу долзарб масала чуқур таҳлил қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, болаларнинг маънавий ва жисмоний камолотида муҳим омиллардан бўлган ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун бу борада дастуриламал вазифасини ўтаётир.

➡ 2

## Халқ билан мулоқот

# Аҳоли ва мутасаддилар юзма-юз учрашди

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари аҳоли билан мулоқотнинг асосий воситасига айланган. Бугун ушбу тузилма фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, муаммоларни тегишли органлар билан ҳамкорликда бартараф қилиш мақсадида жойларда оммавий қабуллар ташкил этмоқда.*

Маълумотларга кўра, бундай учрашувларда Президент маслаҳатчиси ҳамда мутасадди раҳбарларнинг қабуллари ўтказилиб, ўтган давр мобайнида бир миллион нафардан ортиқ фуқаролар қабул қилинган.

**Қорақалпоғистон Республикаси** Тахиатош туманининг “Сарайкўл” овул фуқаролар йиғинида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мусо Ерниязовнинг сайёр қабули ташкил этилди. Унда фуқароларнинг бандлик, тураржой, коммунал хизмат, умумий ўрта ҳамда мактабгача таълим билан боғлиқ масалалар бўйича мурожаатлари тингланди ва аксариятига шу ерда ечим топилди.

— Ўтган йилнинг охирида уйимда ёнғин содир бўлиб, анча қийналиб қолдим, — дейди сарайкўллик Тиркеш Илясов. — Уйимни таъмирлашда ёрдам сўраб мурожаат қилгандим, ижобий ҳал этилди. Бундан жуда хурсандман.

**Андижон вилояти** ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Шуҳратбек Собировнинг Асака туманидаги сайёр қабулига ташриф буюрган юздан ортиқ фуқароларнинг аксарияти ўз манфаати эмас, балки жамоа манфаати учун қайғураётганлиги қувонарли, албатта. Хусусан, Фидокор маҳалласида яшовчи Абдуҳалим ота Мамадалиев ўзи истиқомат қилаётган кўчанинг 2 километр қисми таъмирталаб экани ва ҳатто шағал ҳам ётқизилмаганидан шикоят қилди. Мазкур масалани ижобий ҳал этиш бўйича зарур чоралар кўриладиган бўлди.

➡ 2

# Аҳоли ва мутасаддилар юзма-юз учрашди

1

Хўжаобод туманида ташкил этилган оммавий қабулда Ўзбекистон Республикаси Олий суди вакиллари қатнашди. Бир нечта туманлардан келган фуқаролар ўз муаммоларини маълум қилишди. Уларнинг ҳам аксариятига ечим топилди.

## Мурожаатлар фақат муаммолардан иборат эмас

Сайёр қабулда фуқаролар фақатгина муаммоларини айтиш учун эмас, балки ўз таклифлари билан келишаётгани янада қувонарлидир.

**Навоий вилояти** ҳокими ўтказган сайёр қабулда фуқаро Кармана туманининг Хазора қишлоғидаги Мавлоно Ориф Деҳгароний зиёратгоҳини янада обод қилиб, зиёрат туризми инфратузилмасини яратиш ва уни мамлакатимиз сайёҳлик харитасига киритиш таклифини билдирди. Тадбирда мазкур таклиф маъқулланиб, шу асосда махсус ишчи гуруҳи тузиш ҳамда бу борадаги ташкилий ишларни амалга оширишга келишиб олинди.

Сайёр қабулда фуқаролар томонидан жами 15 та таклиф ва мурожаат билдирилиб, уларнинг бештаси жойида қаноатлантирилди. Саккизта мурожаат атрофлича ўрганилиб, чора-тадбирлар белгилаш учун назоратга олинди. Икки нафар фуқарога эса мурожаатлари юзасидан асосли тушунтиришлар берилди.

**Тошкент шаҳар** Халқ қабулхонаси томонидан Яшнобод туманидаги темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида ўтказилган сайёр қабулда муаммолари ечимидан умид қилиб қарийб 140 нафар фуқаролар келишди.

— Фикримча, ҳеч ким муаммосиз бўлмаса керак, — дейди Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси мудири Тоҳир Муллажонов. — Ҳамманинг ҳам ечилиши керак бўлган масалалари, ўй-ташвишлари бўлади. Уларнинг айримларини ўзи ҳал қилолса, баъзиларига кучи етмаслиги мумкин. Аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг янгича тизими ана шундай фуқароларнинг масалаларини, қийнаётган муаммоларини ечишга қаратилгани билан ғоятда муҳим.

Фуқароларнинг ҳеч бир мурожаати эътибордан четда қолаётгани йўқ. Сайёр қабул жараёнида 30 нафар кишининг масаласи ижобий ҳал этилди.

**Хоразм вилояти** давлат солиқ бошқармаси томонидан Урганч шаҳрида ташкил этилган сайёр қабул ҳам кўплаб масалаларга ечим топиб берди.

— Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 200 миллион сўм кредит олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаб, банкка тақдим қилсак-да, ҳамон кредит ололмаётган эдик, — дейди Камолот маҳалласида яшовчи фуқаро П. Собиров. — Мурожаатимиз тегишли идоралар вакиллари иштирокида ўрганилиб, ҳал бўлди.

Учрашув давомида жойида ечимини топган муаммолардан ташқари, маълум вақт талаб этадиган масалалар бўйича тегишли ташкилотларга аниқ кўрсатмалар берилди, ижроси қатъий назоратга олинди.

## Вазифалар ижроси назоратга олинди

**Самарқанд вилояти**нинг Ургут туманидаги иқтисодиёт коллежи биносида вилоят ҳокими бошчилигида сайёр қабул ўтказилди. Унда 330 нафар фуқаро мурожаатлари бирма-бир тингланиб, ечими юзасидан масъуллар бириктирилди. Сайёр қабулда юклатилган вазифалар вилоят ҳокимлиги томонидан назоратга олиниб, 1 апрель куни ижроси муҳокама этилиши белгиланди.

Мазкур ҳудудда ташкил қилинган меҳнат ярмаркасида 11 корхонадаги 195 та бўш иш ўрни фуқароларга таклиф этилди. Шунингдек, Давлат хизматлари маркази томонидан 74 нафар фуқарога турли давлат хизматлари кўрсатилди. 31 нафар фуқаронинг ўзбошимчалик билан қурилган тураржой биносига эгалик ҳуқуқи тасдиқланиб, 12 нафар мурожаатчининг фарзандларига туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар тадбир давомида тақдим этилди.

**Сурхондарё вилояти** Олтинсой туманининг энг чекка ва тоғли ҳудудида жойлашган Вахшивор қишлоғида 4-сектор раҳбари, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Сирожиддин Эшматов ҳамда Сурхондарё вилояти Халқ қабулхонаси раҳбари Абдулҳаким Эшмуродов ва бошқа ташкилотлар мутасаддилари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

Унда 300 нафардан ортиқ фуқароларнинг турли масалаларга оид мурожаатлари муҳокама қилинди. Хусусан, ичимлик суви, газ, электр энергияси таъминоти каби коммунал соҳалар, таълим, тиббиёт, бандлик ва тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 102 та мурожаатнинг 41 таси жойида бартараф қилинди.

12 нафар фуқарога мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилди. 8 нафар кишининг суюлтирилган газ сўраб қилган шикояти ижобий ҳал этилди. Ижросини таъминлашда муддат талаб қиладиган мурожаатлар назоратга олинди.

Жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар одамларда эртанги кунга бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш билан бирга, уларни қийнаб келаётган муаммолар ечимида муҳим роль ўйнаяпти.

**«Халқ сўзи».**

# Хўжакўрсин тадбирлардан кимга наф?

1

Сенаторлар ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари ўтказган ўрганиш жараёнида Халқ таълими вазирлиги томонидан ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини оммага етказиш, унда белгиланган меъёрларни тўлиқ ижро этиш мақсадида кенг кўламли тадбирлар кўрилгани аён бўлди. Умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, уларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш мақсадида ташкил этилган "Жаҳолатга қарши маърифат" ойлиги ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлардандир. Мазкур ойлик доирасида 9628 та умумтаълим мактабида Конституция тарғиботи, коррупция, одам савдосининг олдини олиш, инсон ҳуқуқлари, соғлом турмуш тарзи, диний экстремизм, терроризмга қарши курашишга оид мавзуларда 50 мингдан ортиқ семинар, давра суҳбати, ҳуқуқий тарғибот кечалари ўтказилиб, уларда 1,7 миллион нафардан зиёд ўқувчилар қамраб олинди.

Шуларга қарамай, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги айрим мактабларда ушбу ҳужжат тарғиботи бўйича қатор камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланди. Масалан, таълим муассасаларида ташкил этилган семинар ва давра суҳбатларига парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вакиллари кенг жалб этилмаган. Аксарият тадбирлар кўпроқ расмиятчилик учун ўтказилган, холос.

Жойлардаги таълим муассасаларига Қонун ва қонуности ҳужжатлари тўлиқ етиб бормаганлиги ҳам аниқланди. Буни Андижон вилоятининг Асака ва Шаҳрихон туманлари, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри ҳамда Мирзаобод туманидаги қатор мактабларда бундай ҳужжатлар мавжуд эмаслиги, Қонун ижроси юзасидан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмагани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мажлисда ўрганиш давомида аниқланган шу каби камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Якунда тегишли қарор қабул қилинди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

Қонун лойиҳаси

# ЯЙЛОВЛАР МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ

## Бу унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

*Мамлакатимиз иқтисодиётида чорвачиликнинг ўрни катта. Соҳани изчил ривожлантиришда, шубҳасиз, яйловлар муҳим омил ҳисобланади. Шу боис ҳам юртимизда яйловлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишга эътибор бериб келинмоқда. Бироқ...*

Шу каби саъй-ҳаракатларга қарамасдан яйлов ва пичанзорлардан самарали фойдаланиш, ўсимликлар тури, сонини кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, чорва молларини тартибли алмашлаб боқиш, яйловлар деградациясининг олдини олиш мақсадида геоботаник тадқиқотлар ўтказилмагани сабабли сўнгги 25 — 30 йилда яйлов ҳамда пичанзорларнинг 35 — 40 фоизи деградацияга учради. Ўсимликлар тури ва сони 20 фоиз камайиб, ҳосилдорлик 1,5-2 баробар тушиб кетди.

Шунинг ўзиёқ ушбу масалани жиддий ўйлаб кўришни тақозо этди. Натижада "Яйловлар тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг январида парламент қуйи палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ўтган давр мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан мутахассис ҳамда экспертлар иштирокида бу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида бир неча бор муҳокамадан ўтказилди. Мазкур жараёнларда депутатлар томонидан лойиҳани янада такомиллаштириш, ҳаволаки нормалар ўрнига аниқ, ижро механизмига эга меъёрларни киритиш бўйича таклифлар билдирилгани айни муддао бўлди. Қонунчилик палатасидаги Демократик кучлар блокига кирувчи ЎзЛиДеП ва "Миллий тикланиш" ДП фракциялари аъзолари томонидан билдирилган яйловларни муҳофаза қилиш, деградациянинг олдини олиш мақсадида уларни хатловдан ўтказиш ҳамда геоботаник тадқиқотларни амалга ошириш тартибини белгилаш билан боғлиқ таклифлар ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари яйловлардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун улардан алмашлаб фойдаланиш тартибини белгиловчи нормаларни киритиш фикрини илгари сурди. "Адолат" СДП фракцияси аъзолари юридик ва жисмоний шахсларнинг яйловлардан фойдаланишга доир мажбуриятини, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг яйловлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ ваколатларини янада аниқлаштириш лозимлигини қайд этди. Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари эса фойдаланувчилар томонидан яйловларни тиклаш тадбирлари доирасида майдонларга озуқабоп экинлар уруғларини экиш ҳамда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар камёб ва қимматли турларининг табиий равишда такрорий кўпайиши таъминланиши лозим, деган фикрда бўлишди.

Ишчи гуруҳи йиғилишида шу каби таклифлар чуқур муҳокама қилиниб, қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилди.

Умуман, мазкур қонунни қабул қилиш орқали мамлакатимиз умумий ер майдонининг қарийб ярмини ташкил этадиган яйловлардан оқилона фойдаланиш ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилади. Ундан ҳам муҳими, инқирозга учраган яйловларни аниқлаш, уларни тиклаш, ҳосилдорлигини ошириш учун озуқабоп экинларни экиш ишлари изчил йўлга қўйилади. Бу пировардида гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш имконини беради.

**Садиржон ЖАКБАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ЗАМОНАВИЙ УЧ МАЖМУА

## КИМЁ САНОАТИ РИВОЖИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲИССА ҚЎШАДИ?

*"Навоийазот" акциядорлик жамияти маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб доимо юқори бўлган. Президентимизнинг 2017 йил 24 июлдаги "Навоийазот" АЖда инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида бу ерда учта истиқболли лойиҳага киришилгани унинг нуфузини янада кўтаришга хизмат қилади, албатта.*



Қарор ва ижро

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори билан молиялаштиришдан тортиб, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш, пудратчиларнинг солиқ тўлови ва бошқа жараёнлар соддалаштирилди, — дейди жамиятнинг инвестицион лойиҳалар бўйича директори Назиржон Суяров. — Бу пировардида бунёдкорлик ишларини ўз вақтида бажариш имконини бермоқда.

Умумий қиймати 1,7 миллиард АҚШ долларидан ортиқ мазкур учта лойиҳанинг карбамид ва аммиак ишлаб чиқариш қуввати қурилиши бўйича Япониянинг "Mitsubishi Corporation" ҳамда "Mitsubishi Heavy Industries Ltd" компаниялари билан 897 миллион долларлик шартнома имзоланган. Лойиҳа асосида энергия сарфи юқори бўлган, эски 1 ва 2-аммиак навбатлари эксплуатациядан чиқарилиб, ўрнига йилига 660 минг тонна аммиак ишлаб чиқариш қувватига эга, ҳар томонлама тежамкор мажмуа барпо этилади. Шартномага кўра, лойиҳа 2020 йилнинг сентябрь ойида якунланади.



— Компаниямиз томонидан бунёд қилинаётган цехда кунига 2000 тонна аммиак ва 1750 тонна карбамид тайёрлаш имкони пайдо бўлади, — дейди аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш лойиҳасининг қурилиш бўйича раҳбари Рёхи Сузуки. — Бу юртингизда амалга ошираётган илк йирик лойиҳамиз. Унга қадар Россия, Индонезия ва Ҳиндистонда шу каби заводларни қурганмиз. Умид қиламанки, лойиҳани белгиланган муддатларда фойдаланишга топширамиз.

Шу кунга қадар 735,5 миллион долларлик иш бажарилди. Жами 648 та технологик ускунадан 630 таси келтирилиб, 409 таси ўз жойига ўрнатилди.

Мажмуада айни пайтда 154 та машина-механизм ҳамда 2373 нафар маҳаллий ва 702 нафар хорижий ишчидан иборат жамоа меҳнат қилмоқда. Лойиҳа амалга оширилгач, 491 кишининг бандлиги таъминланади. Табиийки, илғор технологиялар ҳар бир мутахассисдан юқори билим ва малака талаб қилади. Шу мақсадда 124 нафар мутахассис 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида, 260 нафар ишчи-ходим эса касб-ҳунар коллежларида тайёрланмоқда. Бундан ташқари, 16 нафар мутахассис хорижда амалиёт ўтаб келди.

Акциядорлик жамиятида ҳаётга татбиқ этилаётган яна бир инвестиция лойиҳаси поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасини ўз ичига олади. Унинг қиймати 500 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, Хитойнинг "CAMC Engineering" ва "HQC" компаниялари иштирокида рўёбга чиқарилмоқда. Мазкур мажмуа жорий йил сентябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Бу ерда автомобиль, электротехника, қурилиш, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларда талаб юқори бўлган йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода ва 300 минг тонна метанол ишлаб чиқарилади.

Қарийб ўттиз гектар майдонни эгаллаган мажмуада иш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида соатига 150 куб метр бетон қоришмалари тайёрлаб берувчи цех ташкил этилган. 415 та машина-механизм ҳамда маҳаллий ва хитойлик мутахассислардан иборат 2178 кишининг меҳнати туфайли шу кунга қадар 391,6 миллион долларлик юмуш бажарилди.

Жамиятдаги яна бир лойиҳа — азот кислотаси мажмуаси қурилиши ҳам жорий йилда ниҳоясига етказилади. Техник-иқтисодий асосларга мувофиқ, умумий қиймати 216,6 миллион долларга тенг мазкур қувватни Швейцариянинг "CASALE SA" компанияси бунёд этмоқда. У йилига 500 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 122 кишининг бандлигини таъминлайди.

Лойиҳа ишга туширилгач, 1965 йилдан буён фойдаланиб келинаётган азот кислотаси ишлаб чиқаришнинг 1 ва 2-навбатлари эксплуатациядан олинади.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланадиган ушбу мажмуалар навоийлик кимёгарларга маҳсулотлар ҳажмини ошириш, таннархини пасайтириш, шунингдек, рақобатдошлигини таъминлашга имкон беради. Барча соҳада кимёвий бирикмаларга эҳтиёж ортаётганини инобатга олсак, мазкур лойиҳалар мамлакатимиз кимё саноатининг ташқи бозордаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Биз ва жаҳон

# МДҲДА БИЗНЕС ЕТАКЧИСИ

*Яқинда Москва шаҳрида бўлиб ўтган "МДҲ: рақамли иқтисодиёт — интеграция платформаси" халқаро иқтисодий форумида Олмалиқ кон-металлургия комбинати 2018 йил якунлари бўйича "МДҲда бизнес етакчиси" деб топилди. Мазкур йирик тадбир МДҲнинг Иқтисодий ривожланиш ишбилармонлик маркази томонидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси кўмагида ташкил этилди. Унда 32 мамлакатдан 1500 дан ортиқ делегатлар қатнашди.*

Ўзбекистон делегацияси таркибида Олмалиқ кон-металлургия комбинати Марказий таъмирлаш-механика заводи директори Сергей Ларионов ҳам иштирок этиб, МДҲ Ижроия қўмитаси котиби Сергей Лебедевдан мукофотни қабул қилиб олди.

Комбинат ўтган йилда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиргани, ўсиш суръатларини оширгани, модернизация ва реконструкция ишларини самарали олиб боргани учун мана шундай эътирофга сазовор бўлди.

"Бугунги кунда ОКМК ишлаб чиқаришни янгилаш ва реконструкция қилиш бўйича улкан ишларни олиб боряпти, маҳсулот таннархини пасайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бир қатор сармоявий лойиҳалар рўёбга чиқарилаётир. Ушбу юмушлар давлат улуши "SFI Management" хориж компаниясининг ишончли бошқарувига берилганидан сўнг сезиларли равишда фаоллашди", дейди С. Ларионов.

Унинг сўзларига кўра, мазкур эътироф мамлакатимиз раҳбарияти томонидан оқилона инвестиция сиёсати олиб борилаётгани, МДҲ ҳудудида узоқ муддатли шериклик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилаётгани шарофатидандир.

**С. МАХСУМОВ**
**тайёрлади.**

# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК ПРИНЦИПИ

## судлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида Журналистлар ижодий уюшмаси қошидаги ҳуқуқий журналистика Кенгаши ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун илк бор очиқ мулоқот ташкил этилди. "Судлар фаолиятида очиқлик ва ошкоралик принципини таъминлашда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзуидаги мазкур тадбирда нафақат марказдаги, балки ҳудудий теле ва радиоканаллар ҳамда босма ва электрон нашрлар ходимлари қатнашди.*

Анжуман

Суд органлари ва ОАВ ўртасида изчил ҳамкорликни йўлга қўйишда давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастурий ҳужжат вазифасини ўтаётгани қайд этилди. Бинобарин, ушбу ҳужжатда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, судларнинг очиқлиги ҳамда шаффофлигини кафолатлаш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмлари белгилаб берилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу борада муайян ишлар бажарилмоқда.

"Судлар ҳамда ОАВ ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилса, тизимда олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар мазмун-моҳиятидан жамоатчилик ўз вақтида хабардор бўлади, судлар фаолиятида ошкоралик, қонунийлик ва шаффофлик таъминланади, халқимизнинг судларга бўлган ишончи янада ортади", дейилди йиғилишда.

Тадбирда, шунингдек, журналистларга тизимда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳамда кўрилаётган чоралар хусусида ахборот берилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Депутатлар — сайловчилар ҳузурида

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.*

# ТОМИДАН ЧАККА ЎТАЁТГАН МАКТАБ

Депутат Ўткир Турсунов Хатирчи туманидаги "Наврўз", "Бунёдкор", "Новжа", "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли билан мулоқот қилди. Мазкур ҳудудлардаги мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳамда фуқароларни ташвишга солаётган бошқа муаммолар ўрганилди.

Хусусан, Наврўз маҳалласидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг спорт инвентарлари билан жиҳозланиши аянчли аҳволда эканлиги, ҳатто оддий спорт тўплари мавжуд эмаслиги аён бўлди.

Новжа маҳалласидаги қарийб саккиз юз нафар ўқувчилар таълим олаётган 9-умумий ўрта таълим мактаби кутубхонасида, борйўғи, 1000 дона бадиий адабиёт мавжуд. Бу ҳам ташвишланарли.

Туманнинг "Маданият" МФЙдаги 50-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган учрашувда ўқитувчилар маҳалла ўрамидаги Дайробод, Бозоржой ва Кадон қишлоқларида аҳоли ўз томорқаларидан самарали фойдаланишлари учун экинни суғоришга сув йўқлигини билдирдилар. Мазкур масала бўйича ҳудуднинг сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи сайловчилар мурожаатига жавоб бериб, жуда қисқа фурсатларда насослар ўрнатилиб, икки қишлоққа обиҳаёт етказилиши йўлга қўйилиши, бир қишлоқни эса дастурга киритиш чораси кўрилишини маълум қилди.

Шунингдек, туманнинг 45-мактаб жамоаси таълим даргоҳи 1984 йилда қурилгани, капитал таъмирлашга муҳтожлиги, ёғин-сочинли кунларда унинг томидан чакка ўтаётганлигини баён этдилар.

Албатта, сайловчилар билан мулоқотларда кўтарилган барча масала депутат дафтарида қайд этилди. Уларнинг ечим топишини эса вақт кўрсатади.

# СЕКТОР РАҲБАРЛАРИГА СЎРОВ ЮБОРИЛАДИ

*Парламент қуйи палатаси депутати Клара Джумамуратова дастлаб Урганч шаҳридаги бир қатор таълим муассасалари фаолияти, ўқувчиларга яратилган шароитлар билан танишди. Жумладан, 32-махсус мактаб-интернати жамоаси ва ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирокида ўтган мулоқот қизғин фикр алмашувларга бой бўлди.*

— Республика миқёсида таълим муассасаларининг спорт анжомлари билан таъминланиши 56 фоиз бўлса, Хоразм вилоятида бу кўрсаткич атиги 14 фоизни ташкил қилади, — дейди меҳнат фахрийси Баҳодир Бекчонов. — Ушбу масала бўйича тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови билан чиқишни илтимос қилдик. Умид қиламизки, янги ўқув йилигача бу масала ҳал этилади.

Депутат учрашувлар чоғида нутқи ва эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилар таълим оладиган ушбу муассаса кутубхонасига юзта китоб совға қилди.

"Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонасидаги мулоқот тадбиркор ва фермерлар, ишбилармонларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш, муаммоларини ўрганиш мақсадида ташкил этилди. Унда вилоятга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларга эътибор қаратилди. Тадбиркорларнинг мурожаатлари бўйича тегишли сектор раҳбарларига депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

# УЙ БЕКАСИ ИШЛИ БЎЛДИ

*Ғузор туманидаги "Чугуртма" маҳалла фуқаролар йиғини, Нурафшон қишлоғида яшовчи уй бекаси Ойсоат Мейлиева боқувчисини йўқотганлиги туфайли ижтимоий кўмакка муҳтож бўлиб турган эди.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромованинг бугалги сайловчилар билан учрашуви унинг жонига ора кирди. Мулоқот давомида депутат аёлнинг ишга жойлашишга оид мурожаатини кўриб чиқиб, унинг ижобий ечим топишига кўмаклашди.

Шу маҳаллада яшовчи София Мавлонова эса кўзини жарроҳлик йўли билан даволатиш учун вилоят кўз касалликлари шифохонасига ордер олишда қийналиб юрганди. Учрашувда ҳозир бўлган туман тиббиёт бирлашмаси мутасаддилари депутат назоратига олган бу масалани ижобий ҳал этиб, апрель ойининг биринчи ўн кунлигида мурожаат қилувчига ордер берилишини айтди. Шунингдек, агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ҳамда ҳомийлар ёрдамида унинг астма касаллиги билан оғриган турмуш ўртоғига "Зомин" санаторийсида даволаниши учун йўлланма олиб бериладиган бўлди.

Учрашувда шу қишлоқда яшовчи Ўралой Мирзаева қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш учун ишлаб чиқариш корхонаси очилиши масаласида мурожаат қилди. Бу ҳам депутат томонидан назоратга олинди.

Нишон туманида бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида қуйи палата депутати Жамшид Пирматов бир нечта ижтимоий объектларни ўрганди. 1-сонли мактабгача таълим муассасаси 2018 йилда "Обод қишлоқ" дастури асосида капитал таъмирланган бўлишига қарамасдан бугунги кунда тўлиқ фаолият олиб бормаётгани маълум бўлди. Бунинг сабаби ўрганилганда, МТМда болалар учун мебель жиҳозлари етишмаслиги аниқланди. Муассаса жамоаси ва тегишли мутасаддилар иштирокида ўтказилган ўзаро мулоқотлар натижасида бу муаммо ҳам маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўз ечимини топадиган бўлди.

**«Халқ сўзи».**

Янгилик

## Жиззахда сарсабил етиштирилади

*Жиззах вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси вакиллари, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, қишлоқ, сув хўжаликлари бошқармалари раҳбарлари ва Голландиянинг “Розетта Групп” компанияси таъсисчилари иштирокида учрашув бўлиб ўтди ва якунда ўзаро келишувга эришилди.*

— Лойиҳаларимизнинг умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларини ташкил этади, — дейди Голландиянинг “Розетта Групп” компанияси таъсисчиси Фредерика Вогель. — Биринчи лойиҳа Зомин туманида 12 гектар майдонда “Гилос ва бошқа мевали дарахтларнинг намунавий боғини яратиш” бўлса, иккинчи лойиҳа Зомин ва Зарбдор туманларидаги 4000 гектар ерда сарсабил етиштиришга қаратилган. Маҳсулотлар Европа ва араб давлатларига экспорт қилинади.

Соҳа мутахассисларининг маълумотларига кўра, Жиззах шароитида спаржа, яъни сарсабилнинг иккала турини ҳам парваришлаш мумкин. Ҳудуд иқлим шароити бунга жуда мос келади. Спаржа қуёшли Ўзбекистонда етиштирилса, Европа давлатларига қараганда 1-1,5 ой олдин ҳосилга киради ва жуда мазали сабзавотга айланади.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ СУҒУРТА ТУРЛАРИ ВА ЛОЙИҲАЛАРИ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

*Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб йирик суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири — Россиянинг “ИНГОССТРАХ” компанияси таркибида 2008 йилдан буён иш олиб бораётган “ИНГО-Ўзбекистон” компаниясидир. У суғурта маҳсулотларининг кенг қамровини ўз ичига олган универсал хизмат портфелига эга.*

*Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган Халқаро молия-банк форуми доирасида ушбу суғурта компанияларининг фаолияти, истиқболдаги режалари, бу борада Ўзбекистон ва Россия муносабатларини янада ривожлантиришга бағишланган анжуман ташкил этилди.*



Реклама ўрнида

Ҳамкорлик

“ИНГО-Ўзбекистон” компанияси фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, автотранспорт, мулк суғуртаси, сайёҳларни суғурталаш каби ўнлаб суғурта турларини амалга оширишда етакчилардан, дейиш мумкин.

Компаниянинг ўтган йилги суғурта мукофотлари 24,5 фоиз ўсиб, 27,8 млрд. сўмни ташкил этди. Амалга оширилган тўловлар миқдори эса 3,1 млрд. сўмга етди. Қолаверса, бугунги кунда компаниянинг суғурта захиралари миқдори 27,2 млрд. сўм бўлса, активлари 59 млрд. сўмга тенг.

Тадбирда қатнашган “ИНГОССТРАХ” ва “ИНГО-Ўзбекистон” компаниялари раҳбарлари юртимизда суғурта бозорини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда ушбу соҳа инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида ўз фикрларини билдирдилар.

**Михаил ВОЛКОВ, “ИНГОССТРАХ” компанияси бош директори:**

— Ўзбекистон Марказий Осиёда жадал ривожланаётган давлатлардан биридир. Хусусан, суғурта хизматлари бозорида ҳам. Шу боис компаниямиз мамлакатингизда бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтиришни мақсад қилган.

Биз нафақат компания филиалларига зарур маслаҳат ва методик ёрдам кўрсатиш, балки минтақавий бозорни тараққий эттиришга ҳам ҳисса қўшишга тайёрмиз. Истиқболда янги суғурта турлари ва лойиҳаларини татбиқ этиш, “ИНГО-Ўзбекистон” компанияси ходимларини қўллаб-қувватлаш ва малакасини оширишни режалаштирганмиз.

**Бахтиёр ҒАЙБУЛЛАЕВ, “ИНГО-Ўзбекистон” компанияси бош директори:**

— Барча ҳудудда компаниямизнинг филиаллари ҳамда 100 дан ортиқ кенг қамровли агентлик тармоқлари мавжуд. Мақсадимиз мазкур тармоқларни ривожлантириш, маҳсулот портфелини кенгайтириш ва энг асосийси, хизматлар сифатини яхшилашдан иборат.

Бугунги кунда юртимиздаги ўнга яқин энг яхши компанияларда суғурта мукофотларини янада ошириш борасида иш олиб боряпмиз. Бунинг учун халқаро тажриба асосида суғурта ҳамда зарарларни қоплаш ишларига сармоялар ҳам киритмоқчимиз.

Тадбирда яна бир янгиликка тўхталиб ўтилди. Хусусан, “ИНГО-Ўзбекистон” компанияси томонидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш сегментида иш бошлангани қайд этилди. Биргина жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида 16,2 млрд. сўмлик 1300 та шу турдаги полис расмийлаштирилган.

Бундан ташқари, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондаги ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг суғурта ҳимоясини таъминлаш бўйича ижтимоий лойиҳалар ишга туширилиши ҳақида маълум қилинди.

Лимитга кўра, компания 10 минг АҚШ долларилик мажбуриятни ўз зиммасига олади. Таклиф этилаётган ушбу турдаги суғурта тизими бахтсиз ҳодисаларда, яъни жароҳатлар, куйишлар ва бошқаларда биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш, суғурталанган шахснинг эвакуацияси ҳамда репатриацияси, суғурталанган шахсни қидириш ва қутқариш, ўлим ҳолатлари қайд этилган тақдирда белгиланган суммани қоплаб беришни ўз ичига олади. Шартнома 90 кунгача тузилиши мумкин.

Лойиҳа ҳамкори “Europe Assistance” компанияси бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида ягона алоқа тизими орқали хизматлар тақдим этилади ва “ИНГО-Ўзбекистон” ҳамда “ИНГОССТРАХ” компаниялари уларнинг онлайн режимда амалга оширилишини назорат қилади.

Шунингдек, тадбирда суғурта секторини ривожлантириш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини ислоҳ этиш, янги турдаги суғурта хизматларини тақдим қилиш, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлашга ўхшаш бошқа ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни янада фаоллаштириш, бу борада халқаро тажрибаларни ўрганиш ва қўллаш масалалари муҳокама этилди.

**Маълумот учун:** Россия суғурта ташкилотлари орасида етакчилардан саналган “ИНГОССТРАХ” компанияси 1947 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Компания мулк суғуртасининг барча тури, ихтиёрий тиббий суғурта, бахтсиз ҳодисалардан ва касалликлардан суғурта қилиш, шунингдек, қайта суғурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Компания Россия Федерациясининг 251 аҳоли пунктида хизмат кўрсатади. Суғурталовчининг ваколатхоналари ҳамда филиаллари яқин ва узоқ хориж мамлакатларида иш олиб бормоқда.

Ўтган йили компания суғурта мукофотлари ҳажми 1,6 трлн., тўланган суғурта қопламалари миқдори 460,8 млрд., шунингдек, умумий суғурта соҳасида мукофотнинг миқдори 1,2 трлн., ҳаётни суғурталаш сигментидаги суғурта мукофотлари ҳажми 0,4 трлн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2017 йилдагига қараганда 54,4 фоиз кўпдир.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Самарқанд томонларда

*Самарқанд давлат тиббиёт институтида “Юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш” мавзуида халқаро конференция ўз ишини бошлади.*

## САЛОМАТЛИКНИНГ БИРИНЧИ ШАРТИ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Унда Буюк Британия, Дания, Россия давлатларидан келган ҳамда юртимиз тиббиётчи олимлари, шифокорлар иштирок этмоқда.

— Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, касалликларнинг 85 фоизи фуқароларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилмаслиги натижасида келиб чиқмоқда, — дейди Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги бош вакили Лианн Куппенс. — Камҳаракатлилик, меъёридан кўп овқатланиш ва тузни ортиқча истеъмол қилиш барча касалликларни келтириб чиқараётган омил ҳисобланади. Ана шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, айни пайтда ҳукумат томонидан соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида олиб борилаётган профилактика ишлари диққатга сазовор. Бу саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш керак.

Анжуманда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудий идораси, Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, назорат қилиш ва қарши курашиш дастури етакчи раҳбари Жилл Фарингтон, Россия колопроктология ўқув маркази директори, Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Юрий Шелигин ва бошқа мутахассисларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

Конференциянинг очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов сўзга чиқди.

## Орзулар рўёбга чиққан кун

*Самарқанд шаҳрининг Қорасув массивида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳудудий бошқармалари хизматчиларининг 50 нафарига янги уйларнинг калитлари тантанали топширилди.*

— Ҳар бир инсон ўз уй-жойига эга бўлишни орзу қилади, — дейди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими, капитан Азиз Очилов. — Бугун бизнинг ҳам ана шундай орзуимиз рўёбга чиқиб, замонавий тураржойга кўчиб ўтдик. Бунинг учун беҳад миннатдормиз.

Уй-жойга эга бўлганлар Ватанимизга доимо садоқат билан хизмат қилишга ваъда бердилар.

**Умид СОРИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Эътибор

## Ўзбек олимаси Франция ордени билан тақдирланди

*Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори, “Ўзбекистон — Франция” дўстлик жамиятининг ижрочи директори Раҳима Ширинова француз маданияти ривожига қўшган ҳиссаси учун Франция ҳукумати томонидан “Palmes Academique” ордени билан мукофотланди.*

Раҳима Ширинова 26 йилдан буён француз тилини ўқитиш, дарслик, ўқув қўлланма ва луғатлар яратиш каби эзгу ишлар билан машғул. Унинг 120 дан ортиқ илмий мақолалари француз ва ўзбек таржимачилиги тадқиқоти ҳамда бадиий таржима таҳлилига бағишланган.

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди**

**«Ҳаракатлар стратегияси, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури ижросида ННТлар фаоллигини қўллаб-қувватлаш»**

***мавзуида давлат грантлари ажратиш учун танлов эълон қилади.***

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:**

— ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса фуқароларни, ногиронлиги бўлган шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам кўламини кенгайтириш ва сифатини оширишга кўмаклашиш;

— жазони ўташ жойларидан озод қилинган, афв этилган шахсларни, муқим тураржойга эга бўлмаган шахсларнинг жамиятга ижтимоий интеграцияси ва реабилитациясига қаратилган дастурларни давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

— аҳолининг, энг аввало, кўмакка муҳтож хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари билан ҳамкорликда қўшма иш режаларини ҳаётга татбиқ этиш;

— маҳаллаларда, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар, ўз жонига қасд қилиш, гиёҳвандлик, эрта никоҳнинг олдини олишда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

— аҳолини, айниқса, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсирдан ҳимоя қилишда таълим муассасаси, оила ва маҳалла институтлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш;

— нотинч ва ноқобил оилалар билан ишлаш, оилада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олишга, оилада соғлом маънавий муҳитни таъминлашга кўмаклашиш;

— маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, бу каби салбий ҳолатларга муросасизлик муҳитининг шаклланишига кўмаклашиш, ижтимоий шериклик асосида обод ва хавфсиз маҳаллани ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш;

— Орол ҳалокатининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатишга, Оролбўйи ҳудудларида экологик вазиятни тиклашга ва соғломлаштиришга кўмаклашиш;

— ноқонуний меҳнат миграциясидан, мажбурий меҳнат ва камситишлардан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш, тизимли профилактик тарғибот-ташвиқот ва реабилитация қилиш;

— аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда ижтимоий ва маиший инфратузилмани яратишга, оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга ҳамда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга кўмаклашиш;

— давлат органлари ва бизнес субъектлари билан ҳамкорликда ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлаш;

— ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш борасидаги ижтимоий шерикликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

— «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини амалга ошириш жараёнларини, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотларнинг аниқ натижаларини электрон ва босма ОАВ кенг ёритишини қўллаб-қувватлаш;

— Ўзбекистон Республикасининг асосий халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилишга, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижалари ҳақидаги маълумотларни халқаро рейтингларни тузувчиларга етказишда кўмаклашиш;

— давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш.

**Давлат гранти танловида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

***Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори — 30 млн. сўмгача.***
***Ҳужжатлар 2019 йил 28 мартдан 30 апрелгача қабул қилинади.***

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди номига: **100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов шоҳкўчаси, 43-уй** манзилига «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефонлар: 71-239-26-76, 71-239-26-86.**

282R/189

Тошкент шаҳри, Бектемир туманининг Давлат хизматлари марказида 2018 йил 10 сентябрда 634635-сонли тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган

**«KARS MARYAM»**
**масъулияти чекланган жамияти**

фаолияти ушбу жамиятнинг 2019 йил 28 мартдаги 2-сонли умумий йиғилиши баённомаси асосида **тугатилмоқда**.

(«KARS MARYAM» MChJ, СТИР: 305739475, манзил: 100158, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 9-«А» уй).

Даъво аризалари билан мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: **Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 91-уй.**

**Телефон: 99-789-03-13.**

283J/188

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

**Термиз филиали кафедраларининг педагог ходимлари тоифаси ва вакант (бўш) профессор-ўқитувчилари лавозимларига танлов эълон қилади.**

**Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси:**

Кафедра мудири — *1 ўрин.*
Ўзбекистон тарихи фани бўйича: *доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.*
Фалсафа фани бўйича: *ассистент — 1 ўрин.*
Хорижий тил (инглиз тили) фани бўйича: *катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 2 ўрин.*
Рус тили фани бўйича: *катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.*

**Умумкасбий фанлар кафедраси:**

Кафедра мудири — *1 ўрин.*
Муҳандислик графикаси ва компьютерли лойиҳалаш фани бўйича: *ассистент — 1 ўрин.*
Амалий механика фани бўйича: *доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.*
Метрология, стандартлаштириш ва ўзаро алмашувчанлик фани бўйича: *ассистент — 1 ўрин.*

**Математика ва табиий-илмий фанлар кафедраси:**

Кафедра мудири — *1 ўрин.*
Математика фани бўйича: *катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.*
Физика фани бўйича: *доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.*
Ахборот технологиялари фани бўйича: *ассистент — 1 ўрин.*

**Транспорт тизимлари ва технологик машиналар кафедраси:**

Кафедра мудири: — *1 ўрин.*
Автомобиль йўллари ва аэродромлар таълим йўналиши бўйича: *доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 3 ўрин.*

**Кимёвий ва озиқ-овқат технологиялари кафедраси:**

Кафедра мудири — *1 ўрин.*
Кимё фани бўйича: *доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.*
Кимёвий технология мутахассислиги бўйича: *доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.*
Озиқ-овқат технологиялари мутахассислиги бўйича: *катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.*

Танловда иштирок этиш учун номзодлар филиал директори номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, паспорт нусхалари, маълумотнома (объективка), илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлганда уларга тегишли дипломлар ҳамда аттестатлар нусхалари, малака оширганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, 5 йиллик истиқболли «йўл харитаси»ни топширадилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

**ЭСЛАТМА:** танловда қатнашувчилар синов дарслари ўтадилар.

***Манзил:*** *Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 288-«А» уй, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали биноси, V блок, 1-қават, 1.2-хона.*

**Мурожаат учун телефонлар: 76-221-87-20, 90-747-91-33.**

281J/185

Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси марказ жарроҳлик бўлими шифокори

**Анвар ТУРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz
02

## Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи:

# ЎЗАРО ИШОНЧ, САМИМИЙ МУЛОҚОТ ВА ЮКСАК НАТИЖА

**Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол НАҲАЁН,
Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони ўринбосари:**



— Шубҳасиз, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига амалга оширган ташрифи биз учун шарафдир. Нафақат мен учун, балки бутун Амирлик аҳли учун ҳам фахрдир. Ўртамиздаги дўстлик кўприги жуда ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Ҳамма соҳада Ўзбекистон билан яхши муносабатларни ўрнатмоқчимиз. Урф-одатларимиз, анъаналаримиз, муқаддас динимиз бизни бир-бирига яқин боғлайди. Австралия, Бразилия, бошқа ривожланган мамлакатлардан кўра Ўзбекистон ва Президент Шавкат Мирзиёев биз учун яқиндир.

Ишонамизки, Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракатлари туфайли алоқаларимиз янада мустаҳкамланади.

**Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:**



— Президентимизнинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи тарихий бўлди, муносабатларимизда янги саҳифа очди. Агар ўзаро алоқаларимиз тарихига назар ташласак, элчихоналар бор эди, дипломатлар боради, келарди, лекин қандайдир ривожланиш кузатилмасди.

Мана, икки йил ичида шу йўналишда дадил ҳаракатлар бошланди. Эътиборлиси, араблар Президентимизнинг сиёсатини қўллаб-қувватлаб, ўз ишончини билдириб, кўнгилларини очиб, биз билан турли соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр эканлигини намоён қилди.

Ташрифнинг асосий натижалари нималардан иборат бўлди? Биринчидан, биз қисқа даврда икки давлат муносабатларини янги босқичга олиб чиқдик. Қолаверса, Ўзбекистон ва БАА юритаётган сиёсат бир-бирига жуда яқин, мос келади. Иккинчидан, минтақа, халқаро майдондаги масалаларда мақсадларимиз муштарак. Амирлик раҳбарияти Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларга катта эътибор қаратиб, чуқур ишончини билдирди. Ўндан ортиқ шартномалар имзоланди, улардан кўпи узоқ муддатли шартномалар эканлиги билан янада аҳамиятлидир.

Албатта, эришилган келишувларни, ҳужжатларни рўёбга чиқаришда биз томондан ҳам жуда катта ҳаракат бўлиши зарур. Шунинг учун барча вазифани давлатимиз раҳбари топшириғига биноан яна бир бор кўриб чиқамиз. Олдимизда турган мақсад: икки томонлама ҳамкорлик кун тартиби тўлиқ бўлиши ва икки давлатнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бериши керак.

**Султон Бин Саид ал-МАНСУРИЙ,
БАА иқтисодиёт вазири:**



— Икки мамлакат ўртасида яқин муносабатлар ўрнатилганидан беҳад мамнунмиз. Буларнинг барчаси БАА ва Ўзбекистон етакчиларининг ташаббуслари билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланаётган мамлакат ҳисобланади. Бу ерда кейинги икки йилда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар барча соҳада ижобий янгиланишларга туртки бермоқда. Биз жорий йил 12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — БАА ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи йиғилишини муваффақиятли ўтказдик. Ҳукуматлараро комиссия олдига яқин йилларда ўзаро савдо айланмаси ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш, бунинг учун товар етказиб беришни кўпайтириш, хом ашёни қайта ишлаш ва қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Икки томонлама ҳамкорлик алоқаларининг ривожида нефть-газ соҳасидаги лойиҳаларни рўёбга чиқариш ва туризмни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, БАА логистика ва мультимодал транспорт соҳасида катта муваффақиятларга эришган мамлакат. Шу сабабли мен мазкур йўналишда ҳам ҳамкорлик истиқболларини кўряпман. Зеро, Ўзбекистон минтақада стратегик жойлашувга эга. Инновацион йўналиш БАА иқтисодиёти тараққиётининг муҳим бўғинларидан биридир. Шунинг учун биз қайта тикланадиган энергетика соҳасида ва келажак авлод учун қўшма илмий-тадқиқот марказларини яратишдан манфаатдормиз.

**Реем Бинт Иброҳим ал-ҲОШИМИЙ,
БАА халқаро ҳамкорлик бўйича давлат вазири:**



— Биз жаноб Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига амалга оширган илк ташрифини катта мамнуният билан қарши олдик. Ушбу ташриф доирасида икки томонлама тенг манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи кўплаб масалаларни кўриб чиқдик. Олий даражадаги мазкур учрашувлар давомида турли соҳаларга оид шартномалар имзолашга эришдик. Булар инвестиция, савдо, маданият, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга тааллуқлидир. Айни пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятларидан яхши хабардормиз. Ва ўз навбатида, мамлакатингиз билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Яна шуни ҳам қайд этишим керакки, ҳозирги кунда мамлакатларимиз ўртасида ҳафтасига 11 авиарейс амалга оширилмоқда. Бу, албатта, сердаромад бўлган соҳа — туризмни ривожлантиришда жуда муҳим саналади.

Биламизки, Ўзбекистон — қадимий, гўзал ва бетакрор шаҳарларга бой ўлка. Орамиздаги масофанинг у қадар узоқ бўлмаганлиги сайёҳлик соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун бир имкониятдир. Бу Бирлашган Араб Амирликлари учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам манфаатли, деб ҳисоблайман.



**Тарям Матар Муҳаммад ТАРЯМ,
“Industrial Innovation Group LLC” компанияси бош ижрочи директори:**

— Целлюлоза саноати бизнинг асосий ишлаб чиқариш йўналишимиздир. Биз давлат ва хусусий компаниялар билан ишлаймиз. Музокараларимиз натижасида ҳамкорлик битимини имзолашга эришдик. Лойиҳамизни 5700 гектар майдонда бошлаймиз ва беш йил давомида ушбу майдон беш баробар кўпайтирилади.

Мазкур лойиҳа энг ноёб ва илғор технологик ҳисобланиб, у нафақат инвестиция ҳамда даромаднинг ошишини таъминлаш, балки янги иш ўринлари яратиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Ходимларнинг қарийб 99 фоизи маҳаллий мутахассислардан иборат бўлади ва лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш доирасида олинган маҳсулотларнинг 50 фоизи экспортга йўналтирилади.

Биз 5, 10, 15 йил аввал Ўзбекистон ҳақида жуда кам маълумотга эга эдик. Яъни унинг бой тарихи, Самарқанд, Тошкент ва Бухоро шаҳарларинигина билардик, холос. Кейинги икки йилда эса республикангизга бораётган ишбилармонлар делегацияси сонининг ошганини, тараққиётни ва ўсишни кўряпмиз. Мамлакатингиз иқтисодиёти жуда тез ривожланмоқда. Бу, шубҳасиз, тармоқларнинг муваффақиятли ўсишига имкон беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек халқи манфаатларини кўзда тутувчи чуқур ўйланган сиёсати биз сингари хорижий инвесторларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Шунинг учун ҳам юртингизда қўшма лойиҳамизни амалга оширишга тайёрмиз.



**Отабек ИБОДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси раиси:**

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида ҳарбий саноат комплексини ривожлантириш борасида ҳам келишув ва шартномаларга эришдик. Шунингдек, ўзаро ҳарбий техникаларни етказиб бериш бўйича фикрлашиб олдик. Бундан ташқари, ташриф доирасида ҳарбий саноат соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш ва ўқитиш, икки томонлама тажриба алмашиш юзасидан ҳам келишиб олинди.

**Элёр ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари:**

— Шуни айтиш керакки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевни БААда энг қадрдон дўст сифатида қабул қилишди. Барча музокаралар жуда дўстона



ва илиқ муҳитда ўтди. Албатта, БАА раҳбарияти Ўзбекистон билан ҳамкорликка астойдил интилмоқда. Ташриф якунлари бўйича 10 миллиард 675 миллион долларлик бир қатор лойиҳалар юзасидан салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Бу лойиҳалар диверсификация қилинган, яъни манзили, мақсади, маблағи ва муддати аниқ. Мисол учун, нефть-газ соҳасини оладиган бўлсак, бу борадаги лойиҳалар геологик қидирувдан тортиб, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш жараёнини қамраб олади. Энергетика соҳасида эса нафақат анъанавий иссиқлик электр энергияси, балки тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш орқали энергетика йўналишида бошқа ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, муқобил энергетика, хусусан, шамол ва қуёш энергияси бўйича ҳам аниқ ишлар амалга оширилади. Умуман, БАА билан ҳамкорлик кўплаб йўналишларни қамраб олган.

Президентимизнинг БААга ташрифи якунлари бўйича, фикримча, максимал натижага эриша олдик. Гап фақат келишувлар ва битимлар миқдори ҳақида эмас, балки уларнинг сифати хусусида ҳам бормоқда. Ўзбекистонга энг замонавий технологияларни жалб қиляпмиз. Ташриф якунлари бўйича биз БААнинг энергетика соҳасидаги энг етакчи “MASDAR” компанияси билан қуввати 500 мегаваттли шамол электростанциясини қуришга келишдик. Бу борадаги лойиҳаларни шу йилнинг ўзида бошламоқчимиз. Яна бир муҳим йўналиш — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш. Чунончи, БАА компаниялари томонидан ерларни ўзлаштириш ва жаҳон бозорида талаб юқори бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга катта қизиқиш билдирилмоқда. 200 миллион долларга тенг ана шундай лойиҳалардан бирини Сирдарё вилоятида амалга ошириш кўзда тутилган. Бу ерда қоғоз целлюлозаси ишлаб чиқарилади. Яна бир муҳим йўналиш — транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантиришдан иборат. Мазкур йўналишда БААда катта тажриба тўпланган. Айни йўналишда ҳамкорлик қилиш биз учун ҳам жуда муҳим.

**Сардор УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири:**



— Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи бу ердаги бизнес, ишбилармон доиралари, ҳукумат томонидан ҳам жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Сабаби, Амирликлар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш масаласига жуда катта эътибор беряпти.

Ташриф натижасида эришилган келишувларнинг умумий қиймати 10 миллиард доллардан ошди. Бу тарихда бўлмаган рақам. БАА инвесторлари энергетика соҳасида бир қанча йўналишларда маблағ киритишмоқчи.

Шунингдек, энергетика соҳасида камида 500 мегаватт қувватли шамол, шу билан бирга, қуёш электростанцияларини барпо этиш бўйича шартномалар имзоланди.

**Суҳайл Муҳаммад ал-МАЗРУИЙ,
БАА саноат ва энергетика вазири:**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига қилган ташрифи биз учун жуда муҳим воқеадир. Чунки келишилган битимлар орасида энергетика соҳасига оид шартнома ҳам бор. Лойиҳамиз қайта тикланувчи энергияга тааллуқли. Шу билан бирга, нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида ҳам келишувларимиз мавжуд ҳамда уларни БАА компаниялари катта қизиқиш билан ўрганиб чиққан. Ўзбекистон Президенти бу борадаги келишувларга алоҳида эътибор қаратганидан чуқур миннатдормиз. Умид қиламизки, БААнинг Ўзбекистонга киритаётган сармоялари келгусида алоқаларни янги босқичга олиб чиқади.

Айни пайтда Ўзбекистонда татбиқ этилаётган ислоҳотлар, шунингдек, иқтисодиётдаги изчил саъй-ҳаракатлар мамлакат равнақида туб бурилиш ясамоқда. Бунинг натижасида дунёнинг кўплаб давлатларидан хорижий инвесторлар Ўзбекистонга интиляпти. Улар катта-катта лойиҳаларда иштирок этиб, ўз маблағларини қўрқмасдан сарфлашяпти. Чунки бунга ишонч ва кафолат бор. Биз ҳам шу қаторда мазкур жараёнда ўз ҳиссамизни қўшишни истаймиз.

**Муҳаммад Жамил ал-РАМАҲИЙ,
“MASDAR” компанияси бош ижрочи директори:**



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг келгусидаги истиқболи учун жуда муҳим ўринга эга. Имзоланган келишувлардан сўнг биз, ишбилармонлар Ўзбекистонга янги ва самарали лойиҳалар билан боришга қарор қилдик. Хусусан, турли соҳалар қаторида қуёш ва шамол энергетикасига оид лойиҳаларни молиялаштирмоқчимиз.

Бу борада келишиб олдик ва дастлабки шартномаларни имзоладик. Икки давлат раҳбарининг ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган муносабатлари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон раҳбариятининг олиб бораётган очиқлик сиёсати келажакда нафақат БААдан, балки бошқа ҳамкор араб давлатларидан ҳам инвестициялар оқимининг кенгайишига асос бўлади.

**Муҳаммад АЛАББАР,
“EMAR” компанияси директорлар кенгаши раиси, компания раҳбари:**



— Тадбиркор сифатида биз, ишбилармонлар учун яратилган ҳар томонлама қулай, жозибадор шароитларга интиламиз. Шу жиҳатдан айтганда, Ўзбекистондаги бугунги имкониятлар бизни тобора жалб этяпти. Менинг асосий бизнесим турли қурилиш лойиҳалари, йирик мавзелар, замонавий меҳмонхоналар ва марказлар барпо қилишга қаратилган. Бундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан ҳам шуғулланамиз. Сўнгги икки йил мобайнида Ўзбекистондаги улкан ўзгаришлар бизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистонда Президент бошчилигида кенг кўламли ислоҳотлар изчил олиб бориляпти. Қўшма лойиҳаларимиздан аниқ натижалар кутяпмиз. Агар мамлакатимиз билан Ўзбекистонда бажарилаётган ишлар миқёси ҳақида гапирадиган бўлсак, шубҳасиз, Ўзбекистонда бу борадаги ишларнинг кўлами юқори эканлигини айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги компаниямда ўзига хос лойиҳани амалга оширишга интиламан. Турли соҳалардаги лойиҳаларни — тураржой мавзелари, меҳмонхоналар қуришда замонавий Ўзбекистон ривожи учун талаб қилинадиган ҳар қандай инфратузилмани рўёбга чиқаришга тайёрман.



**Муҳаммад ал-МУАЛЛИМ,
“DP WORLD” компанияси бош ижрочи директори:**



— “DP WORLD” — Дубайда жойлашган йирик компания бўлиб, у дунёнинг кўплаб мамлакатларида тармоқларига эга. Яъни жаҳоннинг 40 та давлати билан ҳамкорлик қилиб, дунёнинг 80 га яқин портларида фаолият олиб борамиз. Агар Дубай Амирлигидаги эркин иқтисодий зоналар ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги кунда бу ерда 130 минг одам ишлайди ва 450 минг киши бевосита жараёнга жалб этилган. Эркин иқтисодий зонанинг Амирлик ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30 фоизни ташкил қилади. Бу иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликка келадиган бўлсак, биз таклифларни кўриб чиқмоқдамиз. Жамоамиз тез орада Навоий шаҳрида қуруқликдаги порт қўшма лойиҳасини яратиш имкониятларини муҳокама қилиш учун Ўзбекистонга боради.

Компаниямиз интеграциялашган занжир яратиш, эркин иқтисодий зоналар менежменти, интермодал логистика марказларини бошқаришда қирқ йилдан зиёд тажрибага эга. Уни ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ўртоқлашиш, қолаверса, фойда ва юқори рентабелликка эришадиган лойиҳани амалга оширишга тайёрмиз.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 943 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.20 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6